



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

COLLECTION OF SCIENTIFIC WORKS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

**Issue 5(39)
Part 2**

**Warsaw
2021**



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

ISSUE 5(39)
Part 2

June 2021

Collection of Scientific Works

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
7-9 June 2021

ISBN 978-83-949403-3-1

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (7-9 June, 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 2 - 215 p.

Editorial board:

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Baxitjan Uzakbaevich Aytjanov, Doctor of Agricultural Sciences, Senior Scientific Researcher

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

Yesbosi'n Polatovich Sadi'kov, Doctor of Philosophy (PhD) Agriculture, Nukus branch Tashkent state agrarian university

Tahirjon Z. Sultanov, Doctor of Technical Sciences, docent

Shavkat J. Imomov, Doctor of Technical Sciences, professor

Sayipzhan Bakizhanovich Tilabaev, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Dilnoza Kamalova, PhD (arch) Associate Professor, Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering

Juraeva Sarvinov Boboqulovna, Associate Professor of Philological Science, head of chair of culturology of Khujand State University named after academician B. Gafurov (Tajikistan)

Oleh Vodiani, PhD

Languages of publication: українська, русский, english, polski, беларуская, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS". Which took place in Warsaw on 7-9 June, 2021.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-3-1

© Sp. z o. o. "iScience", 2021

© Authors, 2021

TABLE OF CONTENTS

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

Karabayeva Madina Toxriddinova, Maxmadaliyeva Fayziniso Ahmadjon qizi (Tashkent, Uzbekistan) HOW TO STORE APPLES AND PEARS	8
Панченко Татьяна, Черв'якова Лариса (Київ, Україна) КОНТРОЛЬ ПОВНОТИ ПРОТРУЄННЯ НАСІННЕВОГО МАТЕРІАЛУ	11
Самандарова Фарангиз Садулла қизи, Абдусатторова Мохларой Махаматқосим қизи (Ташкент, Узбекистан) ЛАЛМИКОРНИНГ ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА НЎХАТНИ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИ ВА БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЭКИШ МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ	14

SECTION: ARCHITECTURE

Sadinova Yulduz Abduraxmonovna (Samarkand, Uzbekistan) ADVANTAGES OF APPLICATION OF SMART TECHNOLOGIES IN INTERIORS	17
Sadinova Yulduz Abduraxmonovna (Samarkand, Uzbekistan) FROM "LIVE WALL" COMPOSITIONS IN INTERIORS PRINCIPAL PRINCIPLES OF USE	21

SECTION: BIOLOGY SCIENCE

Bobokeldieva L. A. (Termez, Uzbekistan) COMPREHENSIVE STUDY OF PHYTONEMATODA FAUNA OF VINE AGROCENOSIS OF SURKHANDARYA REGION	25
Ibragimova Saida Maqsudovna (Toshkent, Uzbekistan) TO`KIN HAYOT SARI	28

SECTION: CHEMISTRY

Sharipov Shavkat, Kamolova Madina, Mamarazhbov Davlatbek, Ruzimuratova Shakhnoza (Jizzakh, Uzbekistan) METHODOLOGICAL BASIS OF THE USE OF MODERN EDUCATION TECHNOLOGIES IN TEACHING CHEMISTRY	30
Zulpanov F. A., Nasrullayev A. O., G'aniyev A. A., Tuychiyev A. A. (Samarqand, Uzbekistan), Yakubov U. M. (Tashkent, Uzbekistan) 2-METILXINAZOLIN-4-ON METILBROMID BILAN TA'SIRLASHISH REAKSIYASINI O'RGANISH	34
Базарова Жамила Алижановна (Джизак, Узбекистан) РАДИКАЛЬНАЯ ЭМУЛЬСИОННАЯ ПОЛИМЕРИЗАЦИЯ МЕТАКРИЛОВОГО ЭФИРА МЕТИЛЭТИЛЭТИНИЛКАРБИНОЛА	36

SECTION: ECOLOGY

Имамалиев Отабек Улугбек угли, Хуррамова Дилафруз Баходир кизи (Ташкент, Ўзбекистан) ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ЛЕСНЫХ ЗОН.....	41
--	-----------

SECTION: ECONOMICS

Abdullayev Ravshanjon Rahmonjon o'li (Namamgan, Uzbekistan) PAXTA MONOKULTURASINING FARG'ONA VODIYSI EKOLOGIYASIGA TA'SIRI	45
Ismoilova Dilrabo Sidikjonovna (Farg'ona, O'zbekiston) RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNING ASOSLARI.....	48
Qoriyeva Aziza Olimjon qizi (Tashkent, Uzbekistan) XALQARO SOLIQ PRINSIPLARI ASOSIDA SOLIQ MA'MURCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....	51
Жўраева Зилола Туробовна (Бухоро, Ўзбекистон) ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	54
Субхонова М. Г. (Термиз, Ўзбекистон) БАҲОР КАТАРИ ҚАСАЛЛИГИ ТАРҚАЛИШИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ	57

SECTION: INFORMATION AND COMMUNICATION
TECHNOLOGIES

Kimsanboyev Nodirbek Shoirbek o'g'li (Andijon, O'zbekiston) TEXNIK OB'EKTLARNI KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA LOYIHALASH.....	59
Kimsanboyev Nodirbek Shoirbek o'gli (Andijon, O'zbekiston) MEXATRONIKA MODULLARINI LOYIHALASHDA AVTOMATLASHTIRILGAN TIZIMLAR MAJMUASI.....	63
Khusanov Erkin Uktamovich, Shopurova Gulibonu Okiljon kizi, Djuraev Doston Rustamovich, Irisov Sanjar Alijon ugli (Samarkand, Uzbekistan) INNOVATIVE AND TRADITIONAL APPROACHES TO LEARNING OF STUDENTS IN THE DEPARTMENT OF ANATOMY AND CLINICAL ANATOMY OF SAMARKAND STATE MEDICAL INSTITUTE.....	70
Mamirxo'jayev Muhammadamin Mavlonbek o'g'li, Umaraliyev Jamshidbek To'xtasin o'g'li (Fergana, Uzbekistan) TARMOQDAGI BOSHQARUVNI QO'LLAILISHI HAMDA TELEKOMMUNIKATSIYA BOSHQARUV TIZIMLARI.....	72
Mamirxo'jayev Muhammadamin Mavlonbek o'g'li, Umaraliyev Jamshidbek To'xtasin o'g'li (Fergana, Uzbekistan) MUZEY VA GALLERIYADA PORTATIV AUDIO VA MULTIMEDIALI QO'LLANMALARNI O'RGANISH.....	76

tajribasidan o'tgan soliq tizimining zamonaviy ma'nosini ochib berishga harakat qilganliklarini yozishgan. Jahon soliq kodeksi namuna sifatida bo'lishiga qaramasdan, unda soliq to'lovlarining aniq stavkalari, uning minimumlari va imtiyozlar berilgandir. Kodeks matni va unda berilgan stavkalar kodeksdan foydalanishni hohlovchi davlatlar uchun majburiy emas, balki tavsiyaviy tusga ega. Milliy soliq qonunchiligi tayyorlanayotganda ushbu davlat mutaxassislari tomonidan mamlakatdagi aniq iqtisodiy va huquqiy shart-sharoitlar inobatga olinishi kerak. Kodeksda berilgan nizom alohida ahamiyatga ega. Nizomga ko'ra, soliq tizimi orqali iqtisodiy subsidiyalar berish to'g'ri subsidiya to'lovlariga nisbatan kam samaralidir. Imtiyoz turlari va engilliklarning ko'pligi, soliq imtiyozlarini nazorat qilishning qiyinligi sababli, soliq tizimini murakkablashtiradi va samaradorligini pasaytiradi, uning zarur bo'lgan egiluvchanlik xususiyatlarini yo'qotadi. Bundan kelib chiqib, kodeksda soliqlardan vaqtinchalik yoki doimiy ozod etish kabi imtiyozlar ko'zda tutilmaydi. Rivojlanayotgan davlatlar iqtisodiyoti xususiyatlarini hisobga olgan holda, Kodeks mualliflari fikricha, ushbu davlatlar daromadlarining asosiy qismi bojxona bojlari, qo'shilgan qiymat solig'i, aktsizlar hamda korxona va tashkilotlar foydasiga soliq hisobiga shakllanadi. Bunday soliq tizimi soliqlarni undirish bilan bog'liq bo'lgan ma'muriy xarajatlar jismoniy shaxslar daromadidan olinadigan soliqqa nisbatan kam bo'ladi. Tavsiya etilayotgan Kodeksdagi soliqlar tizimiga faqatgina yuqori daromadlarga ega bo'lgan aholi qismiga qo'llaniladigan jismoniy shaxslardan olinadigan individual daromad solig'i ham kiritilgan. Bu bozor iqtisodiyotiga o'tayotgan davlatlarda asosan rivojlanayotgan va sobiq sotsialistik davlatlarda individual daromad solig'ini rivojlangan davlatlardagi kabi keng miqyosda qo'llash uchun etarli darajadagi ma'muriy va huquqiy mexanizmlar mavjud emasligi bilan izohlanadi. Individual daromad solig'i soliq tushumlari maqsadida emas, balki tenglik hissini qaror toptirish maqsadida joriy etiladi. Jahon soliq kodeksini ishlab chiqqanlar, soliq qonunlarini tayyorlash va qabul qilish soliq islohotiga dastlabki qadamdir deb hisoblaydilar. Asosiysi, soliq apparatining samaradorligini yaratishda deb biladilar. Adolatli va yuqori salohiyatli soliq xizmatining mavjudligi soliq islohotidagi muvaffaqqiyatlarning zaruriy shartidir. Jahon soliq kodeksi asosiy soliq turlari bo'yicha 5 qismga bo'linib, bozor iqtisodiyotiga o'tayotgan davlatlarda joriy etish uchun tavsiya qilinadi.

Xulosa qilib aytganda xalqaro soliq prinsiplari asosida soliq ma'murchiligini takomillashtirish masalalari bir qator maxsus yuriqnomalar soliqqa tortish maqsadlari uchun tijoratdan kelgan daromadlarni xam taqsimlashga imkon berdi. Tushgan foydadan barcha zarur xarajatlar, olib tashlangach, qolgan daromad, soliqqa tortish obekti bulib xisoblanadi. Soliq deklaratsiyasini tuldirayotgan soliq tulovchilariga soliqqa tortiladigan daromaddan soliq deklaratsiyasini tayyorlash uchun ketgan 100.000 ien miqdoridan katta bulmagan qiymatni olib tashlashga ruxsat berilgan. Xozirda bu miqdor 350.000 ienni tashkil kiladi.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Xalqaro soliqqa tortishning asosiy tamoyillari, huquqiy asoslari. (1996-yil 240-360 bet)
2. Jahon soliq kodeksini qabul qilish zarurati va ahamiyati. (2001-yil).
3. Xalqaro ikki yoqlama soliqqa tortishni tartibga solish. (2017-yil).

Жўраева Зилола Туробовна
катта ўқитувчи
Бухоро давлат университети
(Бухоро, Ўзбекистон)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада инсон капиталининг жамият ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти учун аҳамияти ва уни молилаштиришда хориж тажрибасининг хусусиятлари, шунингдек, Ўзбекистонда амалга ошириш имкониятлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: инсон капитали, инновацион тараққиёт, венчур капитал, миллат саломатлиги кўрсаткичлари

Жаҳон ҳўжалигидаги етакчи мамлакатлар тараққиёти иқтисодиётнинг – билимлар иқтисодиёти, инновациялар, глобал ахборотлар системаси, энг янги технологиялар ва венчур бизнес характеридаги янги иқтисодиёт шаклланишига олиб келди. Янги иқтисодиётнинг асоси сифатида замонавий жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб инсон капитали хизмат қилади. Инсон капитали аҳамиятининг ўзгариши, унинг сарф қилинадиган омилдан ривожланишнинг асосий ишлаб чиқарувчи ва ижтимоий омилига айланиши жамият тараққиёти учун янгича парадигмаси шаклланишига олиб келди. Мамлакатлар ва жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг янги парадигмаси доирасида инсон капитали миллий бойлик таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 80 фоизгача улушни ташкил этади.

Инсон капитали- бу инсон ва бутун жамиятнинг турли –туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи билимлари, кўникмалари, шунингдек саломатлигини белгиловчи хусусиятлар мажмуасидир.

Мазкур ибора Теодор Шульц ишлатган. Уни тадқиқотчи Гэри Беккер ғоя сифатида асослашга ҳаракат қилган бўлиб, у инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари асосида баҳолашга уринган.

Инсоний капитал тараққиёти жараёнига анча самарали характер берувчи омиллардан бири- бу инновацион тараққиёт омили бўлиб, у янгича шароитда илмий-техник, ишлаб чиқариш, молиявий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятлар мажмуасини қамраб олади.

Инсон капиталига инвестициялар жаҳон ҳамжамятида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширувга энг катта ҳисса қўшувчи омил сифатида тан олинган. Чунки, унинг натижасида мамлакат иқтисодий-ижтимоий мустаҳкамлиги таъминланади, бошқа инвестицион объектлардан фарқли равишда, улар ҳажман кенгрок, узоқ муддатли, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан интеграл характерга эга кўрсаткичдир.

Инсон капиталини инвестициялаш ёки молиялаштиришга катта зарурат сезилади. Уни молиялаштириш борасида асосан Давлат бюджетининг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ҳисобидан инсон капиталига инвестициянинг асосий қанотлари ҳисобланган соғлиқни сақлаш, таълим тизими ва ижтимоий таъминот учун сарфлар йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990 йилдан буён нашр этириб келинаётган, 1993 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг ҳам бу борадаги кўрсаткичлари ҳисоблаб, эълон қилинаётган ҳисоботларида 2020 йил якуни бўйича Инсон тараққиёти индекслари чоп қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 189 мамлакати орасида индекс қиймати 0,720 (максимал индекс қиймати 1,000) билан 106-ўринни эгаллаб, 2019 йилдаги ҳисобот натижаларига нисбатан 2 ўринга юқорилаганлиги ва +0.01индекс қийматлари билан ижобийлашганлигини кўришимиз мумкин. Индекс ҳисоботи асосида қайд этишимиз мумкинки, аҳолининг харид қобилияти бўйича жон бошига Ялпи миллий даромад ҳажми 7142 АҚШ долларига тенг бўлиб, 2019 йилга нисбатан 680\$ га ошганлигини, умр кўриш давомийлиги 0,1 индексга ошган ва 71,7 йилни ташкил этган, таълимга эътибор кучайган.

2021 йилга Ўзбекистон Республикаси бюджет параметрлари бўйича таълим тизимига умуман 30256997,8 млн сўм, жумладан, мактабгача таълимга 5425997,9 млн сўм, ўрта умумтаълим тизимига 21987032,4 млн сўм ва олий таълим тизимига 2843967,5 млн сўм ажратилиши режалаштирилган. Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимига 30256997,8 млн сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, унинг 1/3 қисми ривожлантириш дастурлари таъминоти учун йўналтирилади.

Ўзбекистонда ЯИМ нинг 2 фоиздан кўп қисми олий таълимни молиялаштиришга йўналтирилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълимга ажратмаларнинг 1% га ошиши мамлакат Ялпи ички маҳсулотининг 0,34 % кўпайишига олиб келади. Инсон капиталига инвестицияларнинг хусусияти шундаки, бу сарфлар билвосита инсонларнинг билим ва кўникмаларини оширади, инсоний капиталнинг самарадорлигини кўпайтиради.

Шуни қайд этиш керакки, таълимга давлат томонидан қилинадиган инвестицияларнинг қарийб 90%и жорий харажатлар, жумладан, иш ҳақига йўналтиради, иш ҳақининг ошиши эса кўпинча инфляция кўрсаткичларининг ошиши натижасида юз беради.

Фикримизча, бу ҳолатнинг асосий сабаблари:

- ✓Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичларига эътибор қаратилаётганлиги;
- ✓Мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрни фақат ЯИМ ва ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбати билангина эмас, балкию шунингдек, инсон қадр-қиммати, унинг саломатлиги, умр кўриш давомийлиги, маълумотлилиқ даражаси билан биргаликда ўз билимларини қанчалик даражада амалда қўлланилаётганлиги;
- ✓Жаҳон ҳўжалиги мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳоли қашшоқлашишига қарши сиёсатнинг олиб борилаётганлиги;
- ✓Иқтисодий инкирозларнинг юз бериши оқибатида камбағаллар сони ошишига пропорционал равишда миллиардерлар сонининг ҳам ошиб бориши исботланганлиги;

✓Аҳолининг камбағал бўлиб қолишига ўзи сабабчилиги ва ундан чиқиб олиш учун ҳаракат ҳам унинг ўзигагина боғлиқ эканлигини тушуниб етаётганлиги;

✓Аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги, уларнинг катта қисми демократик тараққиёт назариялари билан қуролланиб бораётганлиги;

✓Ёшларнинг интернет тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланаётганлиги;

✓Ўзи ишлаб даромад топиш, сарфлашга иштиёқмандлик, яъни иқтисодий тарбиянинг оиладан бошланаётганлиги, ҳунармандлар сони ва сифатининг ошиб бораётганлиги;

✓Хорижий тилларни ўрганишга иштиёқнинг юқорилиги каби омиллар ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу ўринда биз Ўзбекистонда инсон капиталига инвестицияларни жалб этишда мавжуд муаммоларни бартараф этишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаймиз:

1. Ўзбекистон Республикасида хусусий ва нодавлат олий ўқув юртлари сонини ошириш лозим.

2. Олий ўқув юртларида ўқитиш сифати талабаларнинг ўқув амалиётини параллел равишда олиб боришларидан жуда боғлиқдир. Шу сабабли ҳам талабаларнинг таҳсили жараёнида амалиётни ўташлари учун юзлаб корхоналар билан шартномалар тузиш ва улар назоратини пулли асосда амалга ошириш учун ОЎЮ масъулиятини ошириш керак.

3. ОЎЮда масофадан ўқитиш тизимини ташкил этишда зарур барча шароитлар яратилишида хусусий компанияларнинг Ҳомийлик ва Васийлик Кенгашининг ролини ошириш лозим.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Жўраева З.Т. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурияти. Т. “Бизнес-эксперт” журнали, 2020 йил 1-сон, 79-82-бет
2. Павлова О.Н. Экономика знаний. – СПб: Университет ИТМО, 2017. – 123 с.
3. www.stat.uz O`zbekiston Respublikasining statistik axborotnomasi.

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

Executive Editor-in-Chief: PhD Oleh M. Vodiany

June 2021

ISSUE 5(39)
Part 2

The results of scientific researches, errors or omissions are the authors' responsibility

Founder: "iScience" Sp. z o. o.,
NIP 5272815428

Subscribe to print 11/06/2021. Format 60×90/16.

Edition of 100 copies.

Printed by "iScience" Sp. z o. o.

Warsaw, Poland

08-444, str. Grzybowska, 87

info@sciencecentrum.pl, <https://sciencecentrum.pl>



ISBN 978-83-949403-3-1

